O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
JIZZAX VILOYATI
G'ALLAOROL TUMANI
H O K I M I
Q A R O R I

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ
ҒАЛЛАОРОЛ ТУМАНИ
Ҳ О К И М И
Қ А Р О Р И

2020 йил 10 февраль **Ғаллаорол шаҳри** **№ 175**

Тумандаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами 2013 й., 15-сон 197-модда) 17-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган "Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги низомига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) мувофиқ, транспорт воситаларини 2020 йил мажбурий техник кўригини ташкил қилиш максадида, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуни 6-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборатномаси, 1993 й., 9-сон, 320-модда) асосланиб:

Қ а р о р қ и л а м а н:

1. Туман ҳудудидаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситалари ва уларга тиркамалар мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясининг таркиби 1-иловага мувофиқ:

Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ;

Тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ҳудудий жадвали 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Тумандаги барча транспорт воситалари эгалари бўлган юридик ва жисмоний шахсларга транспорт воситаларини техник паспорти билан биргаликда, ўз вақтида режа жадвал асосида кўрикдан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтказилсин:

тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар - бир йилда икки марта;

ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситалари (мазкур бандниng иккинчи хатбошида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - икки йилда бир марта;

ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур бандниng иккинчи хатбошида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) - бир йилда бир марта;

тиркамалар кўрикка транспорт воситаси - шатакчи учун белгиланган муддатларда тақдим этилади.

5. Ушбу қарорнинг 4-банди иккинчи хатбошида кўрсатилган транспорт воситаларнинг техник кўриги:

биринчи марта - 1 март - 30 июнда;

иккинчи марта - 1 сентябрь - 31 октябрда ўтказилиши инобатга олинсин.

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 25 апрелдан - 30 июнга қадар;

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 25 мартдан - 31 августга қадар ўтказилсин.

6. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш туман комисссияси (А.Ашуров)га:

транспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан самарали назоратни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг техник ҳолати ва ускуналари йўл ҳаракати хавфсизлиги стандартлари, қоидалари, нормаларига мувофиқлигини баҳолаш вазифаси юклатилсин.

7. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг ички ва соқчилик қўшинлари, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган

идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтказилади.

8. Транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомга мувофиқ йиғим ундирилсин.

9. Туман ички ишлар бўлими (Б.Наимов) мажбурий техник кўрик якуни тўғрисида туман ҳокимлигига ахборот тақдим этсин.

10. 2019 йил 25 мартда туман ҳокимлиги томонидан қабул қилинган 3547-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Мамаражабов зиммасига, ижросини ташкил этиш туман ички ишлар бўлими бошлиғи Б.Наимов зиммасига юклатилсин.

12. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими: **Ж.Оқбоев**

Туман хокимининг
2020 йил “10” февралдаги
175 -сонли қарорига
1-ИЛОВА

Мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссияси
ТАРКИБИ

т/р	Фамилияси, исми	Лавозими
1.	А.Ашуров	Туман ИИБ ЙҲХБ бошлиғи-комиссия раиси
2.	Ғ.Бозоркулов	Туман ИИБ ЙҲХБ катта инспектори- комиссия аъзоси
3.	А.Нишонов	Муҳандис-механик, комиссия аъзоси
4.	Э.Хўжақулов	Туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси инспектори, комиссия аъзоси
5.	Ж.Жабборкулов	АЖ Aleskom суғурта компанияси бошлиғи-комиссия аъзоси
6.	С.Мирзакаримов	Автомобил ва дарё транспорти агентлиги Жиззах вилоят бошқармаси ходими
7.	А.Қурбонов	Туман Мудофаа ишлари бўлими техникалар хисобини юиритиш бўлими бошлиғи – комиссия аъзоси

Туман хокимининг
2020 йил “ 10 ” февралдаги
275-сонли қарорига
2-ИЛОВА

Ғаллаорол туманида 2020 йил давомида автотранспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш
ЖАДВАЛИ

Т/Р	Корхона, ташкилотлар номи	Техник кўрикдан ўтказиш санаси	Транспорт воситалари сони	Техник кўрик ўтказиладиган жойи	Маъсул ходимлар
1	Қишлоқ хўжалик Химиялаштириш Бир.	15.04.2020.	6	Ўз автосаройида	Г.Чалаев
2	Халқ Банки Ғаллаорол филиали	16.04.2020.	1	Ўз автосаройида	А.Мустафақулов
3	“Мирамакс Мадад” х/к	17.04.2020.	4	Ўз автосаройида	Э.Хайдаров
4	Ўзбекистон-Х Ҳ/к	20.04.2020.	2	Ўз автосаройида	Ғ.Маматқулова
5	Ҳокимият	21.04.2020.	7	Ўз автосаройида	Ж.Оқбоев
6	Табиий газ қазилма МЧЖ	22.04.2020	4	Ўз автосаройида	О.Мамиров
7	“Сангзор – Парранда” х/к	23.04.2020.	21	Ўз автосаройида	Д.Базаров
8	Гоол-Темур х/к	24.04.2020.	1	Ўз автосаройида	А.Бозорбоев
9	Қўйтош кони	27.04.2020.	12	Ўз автосаройида	Э.Рахмонов
10	МКТ “Ватанпарвар”	28.04.2020.	9	Ўз автосаройида	У.Мирсолиев
11	Ғаллаорол МГҚБ	29.04.2020.	60	Ўз автосаройида	Н.Аширов
12	Маржонбулоқ 11-автокорхона	30.04.2020	42	Ўз автосаройида	А.Қаюмов
13	“Жиззахнефтбаза” УК Лалмикор филиали	01.05.2020.	9	Ўз автосаройида	Н.Тилавов
14	“ Ғаллаорол туман газ” филиали	04.05.2020.	6	Ўз автосаройида	Д.Сафаров
15	СЕҒДУИТИ Ғаллаорол филиали	05. 05.2020.	6	Ўз автосаройида	Р.Сиддиқов
16	Ободонлаштириш бошқармаси	06.05.2020.	5	Ўз автосаройида	Х.Мамарахимов
17	Ғаллаорол почтаси Алоқа бўлими	07.05.2020.	1	Ўз автосаройида	А.Каримов
18	Туман халқ таълими	08.05.2020.	2	Ўз автосаройида	А.Суюнов
19	Ғаллаорол тиббиёт бирлашмаси	11.05.2020.	3	Ўз автосаройида	Х.Файзуллаев
20	Туман Электрь тармоқлари корхонаси	12.05.2020.	6	Ўз автосаройида	Ж.Ахмедов
21	Политрон Неруд М Ч Ж	13.05.2020.	4	Ўз автосаройида	Т.Зиявиддинов
22	Давр-М хусусий корхонаси	14.05.2020.	1	Ўз автосаройида	Б.Азимов
23	Дидоса Паинт хорижий корхонаси.	15.05.2020	4	Ўз автосаройида	Б.Бегбўтаев
24	Диёр хусусий фирмаси	18.05.2020	2	Ўз автосаройида	К.Назаров

25	Ғаллаорол Ижтим. Иқтисод. Коллежи	19.05.2020	2	Ўз автосаройида	Ж.Абдуллаев
26	Туятортар Қ Л И	20.05.2020	6	Ўз автосаройида	А.Убайдуллаев
27	Туман автомобиль йўллар бошқармаси	21.05.2020	11	Ўз автосаройида	Б.Синдаров
28	Туман Молия бўлими	22.05.2020	1	Ўз автосаройида	М.Турдимуродов
29	Табиий қазилма МЧЖ	25.05.2020	5	Ўз автосаройида	О.Мамиров
30	Кўкгумбаз Шароф х/кор.	26.05.2020	1	Ўз автосаройида	Ҳ.Хусанов
31	Турон хусусий корхонаси	27.05.2020	2	Ўз автосаройида	О.Буриев
32	Маржон Транс Сервис МЧЖ	28.05.2020	5	Ўз автосаройида	Г.Аҳмедова
33	Мамаражаб Ф/х	29.05.2020	4	Ўз автосаройида	Л.Мамаражабов
34	Шаҳнозаой кенг тармоқли х/к.	01.06.2020	2	Ўз автосаройида	Н.Хожиев
35	Транспорт ва Саноат касб-ҳунар кол..	02.06.2020	2	Ўз автосаройида	Ш.Синдаров
36	Кўкбулоқ Ёнбоштут хосили ф/хўжалиги	03.06.2020	1	Ўз автосаройида	У.Ахмедов
37	Ғаллаорол туман бандликка кўмаклашиш маркази	04.06.2020	1	Ўз автосаройида	У.Бобобеков
38	“Ёнбоштут” кўп тармоқли ф/х	05.06.2020	2	Ўз автосаройида	А.Убайдуллаев
39	Қўйтош Шамс савдо хусусий корхонаси	08.06.2020	2	Ўз автосаройида	О.Синдаров
40	Наргиза такс МЧЖ	09.06.2020	3	Ўз автосаройида	М.Азимов
41	Маҳалла ҳайрия жамғармаси	10.06.2020	1	Ўз автосаройида	А.Арипов
42	Ғаллаорол Саноат касб ҳунар коллежи	11.06.2020	3	Ўз автосаройида	Э.Пирматов
43	Ғаллаорол Иқтисодиёт коллежи	12.06.2020	2	Ўз автосаройида	Х.Файзуллаев
44	Классик архитектура сервис х/корхонаси	15.06.2020	2	Ўз автосаройида	А.Маматкулова
45	Маржон суви сихатгохи	17.06.2020	2	Ўз автосаройида	Ш.Пўлатов
46	Туман солиқ инспекцияси	22.06.2020	2	Ўз автосаройида	А.Мамаев
47	“Хонимқўрғон-2” Ф/Х	24.06.2020	2	Ўз автосаройида	Х.Абдусаттаров
48	Мажбурий ижро бюроси	24.06.2020	1	Ўз автосаройида	А.Тўйчиев
49	“Оптимум Голд Плю” МЧЖ	25.06.2020	3	Ўз автосаройида	М.Тажибоев
50	Барча фермер хўжаликлар, хусусий корхоналар ва М Ч Ж лар	15.04.2020 30.06.2020 й		Белгиланган жойда	Рўйхат бўйича

Туман хокимининг
2020 йил “16” февралдаги
173-сонли қарорига
3-илова

Ғаллаорол уманидаги юридик ва жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситаларини 2020 йил давомида мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ҳудудий ЖАДВАЛИ

т/р	Ҳудудлар номи	Хафта кунлари				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
1	Маржонбулоқ ШФЙ	X				
2	Қўйтош ШФЙ		X			
3	Маданият ҚФЙ			X		
4	Булоқбоши ҚФЙ				X	
5	Гулистон ҚФЙ					X
6	Тозауруғ ҚФЙ	X				
7	Мирзабулоқ ҚФЙ		X			
8	Мулкуш ҚФЙ			X		
9	Молтоб ҚФЙ				X	
10	Ғўбдун ҚФЙ					X
11	Хонимкўрғон ҚФЙ	X				
12	Қипчоқсув ҚФЙ		X			
13	Жийдали ҚФЙ			X		
14	Гулчамбар ҚФЙ				X	
15	Коризкудуқ ҚФЙ					X
16	Кўкбулоқ ҚФЙ	X				
17	Самарқанд МФЙ		X			
18	Олимлар МФЙ			X		
19	Аламли МФЙ				X	
20	Дўстлик МФЙ					X
21	Бахт МФЙ					
22	Ғ.Ғулом МФЙ	X				
23	Қашқабулоқ МФЙ		X			
24	Оқтош МФЙ			X		
25	Сарбозор МФЙ				X	
26	Саврук МФЙ					X
27	Лалмикор МФЙ	X				
28	Оқтом МФЙ		X			
29	Кўкгумбаз ҚФЙ			X		